

” Нукус шахрида юртимиздаги йирик музейлардан бири, «Сахродаги лувр» номи билан машхур бўлган И. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи фаолият юритади. 85 мингдан ортиқ экспонатга эга бўлган музей фондидан ХХ асрнинг энг ноёб дурдоналари ҳисобланган тасвирий санъат асарлари ҳам ўрин олган.

САВИЦКИЙДАГИ «АСКАР МАКТУБЛАРИ»

Музейдаги рангтасвир ва графика асарлари мавзуси кенг қамровли. Айниқса, ўша даврнинг машхур rassomларнинг Шарқ ҳаётига, яшаш турмуш тарзига бўлган қизиқишини тасвирий санъатда ифода этиши rassomчилик санъатида ранг-баранг асарларнинг яратилишига замин яратди. Бу ижобий натижага нафақат кекса авлод вакиллари, балки замондош rassomлар ҳам эришди ва улар миллий санъатимизнинг юксалишига муносиб ҳисса қўша олдилар. Жумладан, Ўзбекистон Халқ rassоми, Ўзбекистон Бадиий академияси ака-

бошлаб, қўлини иягига тираб олган ҳолда хат ўқияпти. Учинчи аскар эса икки қўлини бошига қўйиб, осмонга тикилиб ётибди. Аскар гўё севган қизининг ширин хаёлига чўмган бир кўринишда. Иккинчи фонда бир гуруҳ аскарлар тўпланиб, ниманидир муҳокама қилмоқда. Рассом шу орқали колоритни чуқур ҳис этиб, ранглар баёнида лавҳани жонлантиришга эришган.

«Аскар мактублари» аскарнинг бир кунлик ҳаётдан олинган парча. Рассом бу асарини яратганида шунчаки хат ўқийтган аскарни тасвирламага-



демиги Жоллибай Изентаев (1943–2009) асарлари бугун музейнинг нодир экспонатлари сирасидан ўрин олган. Рассом ижоди билан яқиндан танишар экансиз, бу асарлардаги ўзига хос услуб, тўйинган колорит ва моҳирона ёритилган композицион ечимни ҳис этасиз. Ижодкорнинг ватанпарварлик ғояларига йўғрилган асарларида қорақалпоқ халқининг тарихи, урф-одатлари, миллий маданияти турфа рангларда қаршингизда жиловланади.

Жоллибай Изентаев ижодида ҳарбийлар ҳаётига бағишланган асарларни ҳам учратасиз. Музей экспозициясидан ўрин олган «Аскар мактублари» номли рангтасвир асари Иккинчи жаҳон уруши йиллари манзараларидан бирини акс эттиради. Яъни лавҳада аскарларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшувчи, соғинч тафтини босувчи «хат» мавзуси қаламга олинади. Картинага эътибор берамиз: *яшилликка бурканган фонда дарахт соясида дам олиб ўтирган уч нафар аскар тасвирланади. Аскарлардан бири соғинч ва ҳаяжон билан хат ёзмоқда, иккинчи аскар эса ён-*

нини айтдик. Энг муҳими, ижодкор шу асари орқали инсоний ҳис-туйғуларни тараннум этади, шу билан бирга, уруш моҳиятини очишга ҳам уринади.

Уруш – дунёнинг тинчлигига раҳна солувчи, инсонларни ўз домига тортувчи ёвузлик. «Аскар мактублари»даги қаҳрамонлар мана шу ёвузликка қарши курашга чиққанлар. Яқинларига мактуб битаётган аскар шу дамда балки сўнги маротаба хат ёзаётгандир. Уруш инсоннинг қисматини шафқатсизлик ила белгилайдики, уни фақат мардлик, жасорат ва матонат билан енгмоқ мумкин. Рассом ушбу картинада дарахт, яшил фон, нур ва соя образларидан рамзий тинчлик сифатида фойдаланган. Аслида асардаги дарахтлар ҳаёт, яшиллик тинчлик ва тотувликни англатса, нур ва соялар ҳаётнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғи эканлигига ишорадир.

Жоллибай Изентаев фалсафий фикрларга чорловчи, ҳаётнинг моҳиятини ёритишга ундовчи асарлар яратган ажойиб rassом.

**Шоҳиста АБДУРАҲМАНОВА,
Қуролли Кучлар хизматчиси**